

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «23» август \_\_\_\_\_ 7 -сон

Дангара тумани.

Дангара туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан раҳбари З.Назиров бундан бўён бир томондан «Бажарувчи» деб юритилади, низоми асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «Дангара туман Ободонлаштириш бошқармаси» номидан раҳбар М.Холмирзаев низоми асосида иш юритувчи бундан бўён «Буюртмачи» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

<u>№</u>	<u>Иш-хизмат номи</u>	<u>Улчов бирлиги</u>	<u>Микдори</u>	<u>Нархи</u>	<u>Етказиб бериш суммаси</u>
<u>1</u>	<u>Данғара туман Кашкар МФЙга 0,5 км пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш</u>	<u>хизмат</u>	<u>1</u>	<u>28 480 000</u>	<u>28 480 000</u>

Иш-хизматнинг шартномавий умумий баҳоси 28 480 000 (йигирма саккиз миллион тўрт саксон минг ) сум.

## III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» Иш-хизмат учун олдиндан, етказиб берилаётган Иш-хизматнинг 30 % микдоридан пул ўтказиш йули билан туловни амалга оширади.

## IV. ИШ-ХИЗМАТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний қўчга қиргандан сўнг Иш-хизматни 20(йигирма) кун муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт.

## V. ИШ-ХИЗМАТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган Иш-хизматнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос қилини шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Иш-хизматлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган Иш-хизмат қисман етказиб берилмаса Буюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган Иш-хизматни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га Иш-хизматни етказиб бериш;

- Тегишли даражада сифатли Иш-хизмат юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган Иш-хизматни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган Иш-хизмат баҳосини қайтариб бериш.

- «Бажарувчи» етказиб берган Иш-хизматларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, Иш-хизмат навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, Иш-хизматни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида Иш-хизматни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган Иш-хизматкелиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда Иш-хизматнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

### **VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда Иш-хизматни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5 % миқдорда «Буюртмачи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги Иш-хизмат берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % миқдорда жарима тўлайди.

8.4 «Буюртмачи» олинган Иш-хизматгачун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан Иш-хизматнарни қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

### **IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирилаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақтлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунда огохлантириши шарт.

9.3. Огохлантириш хати (почта) орқали юборилади.

9.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бири-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

### **X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонушлар тартибида ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларининг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «23» август дан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзолаганидан сўнг қонуний кучга киради.

### **XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устуликлар олилмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи етказиб берувчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устуликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш максалида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинорий фаолиятдан олинган даромад экаплиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа

мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимматига қаршилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар Иш-хизматлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи етказиб берувчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибуторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) инебатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга инебатан мурасасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушултиришлар бериш:

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга карши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул кўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича

оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор

қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарини тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## ХII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Бажарувчи»

Данғара туман йўллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси  
(етказиб берувчининг номи)

Манзил:

Данғара шаҳарчаси Саноат кучаси

Тел./факс

шхр: 47001086030236704519318001

Банк номи : Марказий банк Тошкент

МФО: 00014

СТИР: 200166175

ОКОНХ: 42110

Рахбар: З.Назирова

(ИМЗО)

### «Буюртмачи»

Данғара тумани Ободонлаштириш  
бошқармаси  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил : Данғара тумани

Чинобод кишлоғи

Тел./факс +99890-362-92-66

шхр: 30182186030236704520040005

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 206 940

997

ОКОНХ

Ҳазначилик бўлинмаси номи Данғара

тумани Ҳазначилиғи

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш

ХККМ

МФО 00014

ҳазначилик бўлинмаси СТИРи

201122919

Рахбар: М.Холмирзаев

(ИМЗО)



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI**  
**YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy  
Tel.:(998 73) 572 17 78, el. pochta. dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

“ 22 ” avgust 2022 yil.

Dang'ara tumani Obodonlashtirish  
boshqarmasiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

**PUDRAT SHARTNOMASI.**

2. Loyihaning nomi:

**“Dang'ara tuman yo'llardan foydalanish unitar korxonasi” tomonidan Dang'ara tumani obodonlashtirish boshqarmasiga 28.480.000 (yigirma sakkiz million to'rt yuz sakson ming) so'mlik “Dang'ara tumani Qashqar MFYga 0,5 km piyodalar yo'lakchasini joriv ta'mirlash” xizmati ko'rsatish to'g'risida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

**Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi.**

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi handa O'zbekiston Respublikasi Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunlari asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunlari asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti



B.Ergashev

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

«23» 08 2022 йил

№ 89 сон

Данғара тумани

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Данғара тумани  
Ободонлаштириш бошкармаси  
Рахбар М. Холмирзаев



Данғара тумани Ободонлаштириш бошкармасига “Обод қишлоқ” Давлат дастури асосида Қашқар МФЙга 0,5 км пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблагларини мақсадли сарфланиши ва электрон эълон натижалари тўғрисида

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

Х. Сайдалиев

Қатнашдилар:

1. У. Тожиев
2. Х. Рахмонов
3. Э. Қўшматов
4. М. Мўраева

Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

Данғара тумани Ободонлаштириш бошкармасига “Обод қишлоқ” Давлат дастури асосида Қашқар МФЙга 0,5 км пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблагларини мақсадли сарфланиши ва электрон эълон натижалари тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан Данғара тумани Ободонлаштириш бошкармасига “Обод қишлоқ” Давлат дастури асосида Қашқар МФЙга 0,5 км пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш ишлари учун ўтказилган электрон эълонга раислик қилувчи Х.Сайдалиев сўзга чиқиб, ушбу эълон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида


шаффоф ва хаққоний ўтганлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олинган ҳолда йиғилиш хайъати:

### Қарор қилади.


1. Муҳокама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан эътирозлар ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб "Дангара туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси" ни йиғилиш хайъати ҳолиб деб эълон қилсин.


2. Ҳолиб деб топилган қатнашчи "Дангара туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси" билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.


Комиссия раиси:

 X. Сайдамов

Комиссия азалари:

 U. Жомиев

 T. Раҳмонов

 E. Қўсимов

 M. Қўраев